КУТУБХОНАСИ
...ИҚТИСОДИЁТ... ИНСТИТУТИ

«ШАРҚ ГЎЗАЛИ — 2004» ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАНДИ 2-бет

МАҲАЛЛАДА МУҲТАШАМ ГУЗАР 3-бет

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ 4-5-бетлар

«ПАХТАКОР» — ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ СОҲИБИ 8-бет

СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 191 (10.246) / 2004 ЙИЛ 5 ОКТЯБРЬ

Халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимига қарашли Абулқосим мадрасасидаги халқ амалий санъати қўли гул усталарининг бир-биридан гўзал, бетакрор асарлари кўрган кўзларни қувнатади.

**СУРАТДА: (чапда)«Ташаббус» кўрик-танловининг туман, шаҳар ва республика босқичларининг кўплаб марта ғолиби бўлган Акром Азларов шогирдлари даврасида.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### А.А.Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Аббосович Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 4 октябрь

## СПОРТ, НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

UFRG



**Спортнинг энг гўзал, нафис турларидан бири - бадиий гимнастика. Тошкентда ўтган «Шарқ гўзали-2004» халқаро турнирида бу яна бир бор ўз исботини топди. Осиёда биринчи марта ўтказилган Жаҳон кубоги босқичи мусобақаларини Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика бадиий гимнастика федерацияси, Миллий олимпия қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Халқ таълими вазирлиги ташкил этди.**

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида икки кун давом этган ва 1 октябрь куни ниҳоясига етган мусобақада дунёнинг 12 мамлакатидан 29 спортчи қатнашди. Улар Озарбайжон, Беларус, Грузия, Исроил, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой (Тайпей), Қирғизистон, Малайзия, Польша, Россия ва албатта Ўзбекистон бадиий гимнастикаси вакилалари эди. Оригинал дастурлари билан гиламга чиққан деярли барча гимнастикачилар юксак спорт маҳорати, тасма, ҳалқа, тўпни аъло даражада ўйната олиши, мусиқани ҳис қилиши, нафис ва гўзал ҳаракатлари билан минглаб ишқибозларни лол қолдирди. Мусобақа бадиий гимнастиканинг барча ихлосмандлари учун ҳақиқий ёшлик ва спорт байрамига айланди.

Давоми 2-бетда.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда шу вақтгача амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди, келгуси режалар белгиланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** бир вақтнинг ўзида 400 нафар бемор болага хизмат қилувчи кардиологик — педиатрия маркази ташкил этилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирокида адабий-мусиқий кеча уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**26 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

## ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

**КЕЧА пойтахтда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси таркибидан комиссия раисининг ўринбосари ва комиссия котиби сайланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига асосан шаҳар сайлов комиссиясининг раиси ўринбосари этиб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори Ҳалимахон Алимова, комиссия котиби этиб Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Жамолиддин Камалов сайланди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига биноан шаҳар сайлов комиссиясининг котиби вақтинча, сайлов кампанияси ўтгунга қадар асосий вазифасидан озод этилди.

Йиғилишда шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига депутатлар сайловини ўтказиш юзасидан асосий тадбирларнинг календарь режаси муҳокама этилиб тасдиқланди.

Маълумки, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида ҳар бир сайлов округи учун сайловчилар меъёрлари ўртача 20,9 минг киши ҳисобидан белгиланганди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳамда шаҳар статистика бошқармасининг сўнгги маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида бир миллион 256 минг сайлов ҳуқуқига эга киши истиқомат қилиши инобатга олиниб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов округлари ташкил этилади. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига асосан шаҳар сайлов комиссияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларининг номи ва сайловчилар сони кўрсатилгани ҳолда чегаралари тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси Мовароуннаҳр кўчаси, 14-уйда жойлашган.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Мамлакатимизга ташриф буюрган Ҳиндистон Республикаси давлат ташқи ишлар вазири Индаппакат Ахамед раҳбарлигидаги делегация аъзолари кеча Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.**

● **Олий Мажлис, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари сайловлари бўйича Андижон вилояти матбуот марказида «Ёшлар ва сайлов» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари ёш сайловчилар клубини тузиш таклифини билдиришди.**

● **Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда учинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси таркиби тасдиқланди.**

● **Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани пахтакорлари қабул пунктларига 117 тонна хом ашё етказиб бериб, давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди.**

● **Қашқадарё вилояти пахтакорлари уруғлик пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини бажарди. Қабул пунктларига 43 минг тонна сара уруғлик етказиб берилди.**

● **Тошкент вилоятида ташкил этилган қояга чиқиш бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақасида 64 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.**

### Жаҳонда

● **Сўнгги уч кун ичида Ҳиндистоннинг Нагаленд ва Ассам штатларида амалга оширилган қўпорувчиликлар оқибатида 53 киши ҳаётдан кўз юмди, 160 нафар одам жароҳатланди. Ҳалок бўлганлар орасида хорижий фуқаролар ҳам бор.**

● **Пекинда миллий байрам — Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганлигининг 55 йиллиги кенг нишонланди.**

● **Буюк Британиянинг бош вазири Тони Блэрнинг юрак операцияси муваффақиятли амалга оширилди.**

● **Фаластиннинг ХАМАС ҳарбийлашган ташкилоти раҳбарларидан бири — Иззидин шайх Халил Сурия пойтахти Дамашқ шаҳрида ҳалок бўлди.**

● **Бағдод шаҳрида бомба ўрнатилган икки автомашинанинг кетма-кет портлатилиши натижасида 41 киши ҳаётдан кўз юмди.**

● **Тел-Авив Ғазо секторида кенг кўламли операцияларни режасини тузди.**

*Иқтисодиёт*

## МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

**Ички бозоримизни харидорбоп маҳсулотлар билан тўлдириш, яъни, улар нафақат сифатли, кўркам, чидамли бўлишига эришиш, балки асосан маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқаришни юритиш кўпгина корхоналар жамоаларининг асосий мақсадига айланган.**

Узоқ йиллардан буён фаолият юритаётган «Ўзбекқоғози» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам Янгийўлдаги целлюлоза-қоғоз фабрикасидан сифатли целлюлоза келтирилиб, 30 дан 50 фоизгача макулатура қўшилиб, кўплаб турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Мазкур корхонада 8 ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллиард 899 минг сўмни ташкил этди. Шундан 691 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланиб, буюртмачиларга ўз муддатларида етказиб берилди. Жумладан, харидорбоп маҳсулотлар — 12 варақли дафтарлардан 13 миллион 450 минг дона ҳамда умумий 48 варақли дафтарлардан 667 минг дона тайёрланди.

Бундан ташқари, жамиятнинг асосий маҳсулоти — қоғоз 3455 тонна, картондан эса 1050 тонна тайёрланишига эришилди. Жамоа аҳли асосий эътиборни сифатга қаратган ҳолда иш юритмоқда.

## МИЖОЗЛАРНИ МАМНУН ҚИЛМОҚДА

**Неча-неча асрлардан буён гўзаллик тимсоли бўлган халқимизнинг бебаҳо санъати ҳисобланган наққошлик асарлари кўрган кўзларни қувнатмоқда.**

Айниқса, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими қошидаги Абулқосим мадрасасида ташкил этилган «Устоз-шогирд» йўналишидаги ўн беш йилдан буён фаолият юритаётган мактабда уста ҳунарманд Мирфаёз Абдуфаттоҳов ўз ижоди билан наққошлик соҳасида бетакрор асарлар яратилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Уста ўн йиллардан буён гўзал хаттотлик санъатини эъзозлб келмоқда ҳамда бугунги кунга келиб устози — моҳир наққош уста Маҳмуд ота Тўраевдан олган сабоқлари, ҳунарнинг туганмас сир-синоатларини ўрганиб, 25 турдаги бетакрор маҳсулотларни тайёрлаб, мижозларни мамнун қилмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## СПОРТ, НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ







Давоми. Боши 1-бетда.

Кўпкураш якунлари бўйича биринчи ўринни россиялик машҳур гимнастикачи, Афинадаги XXVIII Олимпия ўйинлари олтин медали соҳибаси Алина Кабаева эгаллади. Жаҳон кубоги босқичининг кумуш медалини Қозоғистон вакили Алия Юсупова, бронза медални эса яна бир россиялик спортчи Ольга Капранова қўлга киритди.

Ўзбекистонлик гимнастикачи Олеся Ашаева 5-ўринни эгаллади. Тўп ўйнатиш якунларига кўра эса О.Ашаева иккинчи, булавалар билан чиқишларда учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг фикрича, ўзбек спортчилари кўрсатган натижалар уларнинг маҳорати тобора ўсиб бораётганидан далолат беради. Кучли ирода, ғалабага интилиш ва энг мураккаб ҳаракатлар ижроси Ўзбекистон гимнастикачилари катта салоҳиятга эгалигини ва келгусида янада юқори марраларни забт эта олишини кўрсатади.

Гимнастикачиларимиз турли халқаро мусобақаларда кўплаб ғалабаларга эришган. Венера Зарипова, Алина Кабаева, Елена Холодова, Яна Батиршина каби кўплаб таниқли спортчилар ғалаба сари қўйган биринчи қадамларини айнан Ўзбекистон заминида ташлаган. Бу ерда бутун дунёда эътироф этилган бадиий гимнастика мактаби шаклланган. Сўнгги йилларда мамлакатимиз спортчилари спортнинг бошқа турларида ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда.

Жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари, Афинадаги Олимпия ўйинлари натижалари бундан яққол далолат беради. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган авлодни спортга оммавий жалб этишга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир. Мунтазам ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» мусобақалари ва Универсиадаларда мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари, талабалар нафақат яхши спорт натижалари, балки юксак салоҳиятини ҳам намойиш этмоқда. Улар бу салоҳиятдан фойдаланиб, ҳар қандай халқаро мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олади.

«Шарқ гўзали-2004» турнири спорт оламида кўплаб янги номларни кашф этиб, катта воқеага айланди, деб таъкидлади ғолибларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққан Халқаро гимнастика федерацияси бош котиби Андре Гайсбулер. У Халқаро гимнастика федерацияси номидан мусобақа ташкилотчилари, ҳакамлар, тренерлар ва барча иштирокчиларга Тошкент турнири ҳақиқий Олимпия руҳида - адолатли кураш, одил ҳакамлик ва ғалабага интилиш муҳитида ўтказилгани учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон бадиий гимнастика федерацияси президенти Л.Каримова бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақаларини ёпиқ деб эълон қилди.

«Шарқ гўзали-2004» ғолиблари ҳамда ёш гимнастикачиларнинг кўргазмали чиқишлари байрамга якун ясади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Азизхўжаев, С.Иномова иштирок этди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**СУРАТЛАРДА:«Шарқ гўзали-2004» мусобақасидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ДЎСТЛИК КОНЦЕРТИ

**Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Ўзбекистон-Япония дўстлик концерти бўлиб ўтди. Концерт Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Япония жамғармаси томонидан ташкил этилди.**

Ўзбекистонликлар 1996 йилдан буён Япония маданияти кунлари доирасида ушбу мамлакатнинг миллий мусиқа санъати билан танишиб келмоқда. Масалан, Япония ва Ўзбекистон санъат усталари ҳамкорликда «Юдзуру» («Турна») операсини саҳналаштирди, «Кокоо» мусиқа гуруҳи ижросида замонавий япон мусиқаси, Токио давлат нафис санъат ва мусиқа университети гуруҳи ижросида анъанавий япон мусиқаси концертлари ва бошқа тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Бу каби тадбирлар дўстлик алоқаларини ривожлантириш, икки халқнинг маънавий дунёси билан яхшироқ танишишга ёрдам бериши таъкидланди.

Дўстлик концертида цугару-сямисен ва анъанавий сансин асбобида таниқли мусиқачилар Такахаси Тикудо ҳамда Ёнака Тору ижросида япон куйлари янгради. Шунингдек, «Суғдиёна» чолғу асбоблари камер оркестри билан биргаликда ўзбек мусиқаси ижро этилди.

Тадбирда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичиро Кусумото иштирок этди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ҳам Ўзбекистон ва Япония санъат усталарининг дўстлик концерти ўтказилди.

**ЎзА**

*Алоқа*

## ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Тошкент телефон станцияси иш бошлаганига юз йил бўлди. Ўша дастлабки йилда Тошкентдаги почта-телеграф округи ҳамда шаҳар почта-телеграф идорасига ўрнатилган қурилмалар орқали дастлабки алоқа йўлга қўйилганди.**

Кейинчалик телефон алоқаси турли идора ва ташкилотларни бир-бирига боғлаш воситаси сифатида оммалашиб борди.

Йиллар ўтиши билан телефон станциялари сони ортиб, кўплаб мижозларга хизмат қила бошлади.

Бугунги кунга келиб эса шаҳар аҳолисини телефон алоқасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шаҳарлараро ва халқаро телефон тизими юзага келди. Эски қурилмалар ўрнини электрон-алоқа телекоммуникация техникалари эгаллади. Ҳозир пойтахтлик мижозлар 550 мингдан ортиқ телефон рақамидан фойдаланмоқдалар.

Тошкент телефон станциясининг юз йиллик санаси муносабати билан «Ўзбектелеком» компанияси томонидан турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

*Тадбирлар*

## УСТОЗЛАР ШОД БЎЛИШДИ

**Бектемир туман халқ таълими бўлимида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Тадбирда туман мактабларида фаолият юритаётган энг фаол ўқитувчилар иштирок этишди. Қувонарлиси, байрам тадбирига таълим соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий ўқитувчилар ҳам таклиф этилди.

Туман маданият бўлими томонидан тайёрланган концерт дастури кечанинг янада файзли ўтишига ҳисса қўшди. Тадбир якунида эса туман халқ таълими бўлими томонидан фаол ўқитувчилар ва фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Маиший хизмат*

## «ПАНДА» — СИФАТЛИ ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

**Бугунги кунда пойтахтимизда кўплаб маиший хизмат кўрсатиш фирмалари, корхоналар, қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Ана шулардан бири — Юнусобод тумани 2-мавзесида жойлашган «Панда» кийим-кечак тозалаш фирмасидир.**

«Панда»нинг ташкил этилганига 3 йил бўлди. Ана шу қисқа давр давомида муассаса ўз мижозларига эга бўлди.

— Кийим-кечакларни тозалашга ихтисослашган фирмамиз иложи борича мижозларга қулайлик туғдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, — дейди фирма раҳбари Муқаддам опа Тўраева. — Шуни ҳам айтиш лозимки, бизнинг хизматимизга дахлдор мавсум энди бошланди. Ҳозирда Италия технологиясидан фойдаланяпмиз. Айнан шу давлатдан олиб келинган «Саврана» кийим-кечак тозалаш машинаси мижозларимизга хизмат кўрсатмоқда.

«Панда» мустақил фаолият юритувчи фирма. Ҳозирда фирма мижозларининг сони янада ортиб бораётир.

— Бу ерга иккита аёллар кофтаси ва костюмларини олиб келганман, — дейди фирма мижозларидан бири Саодат Раҳмонова. — Хизмат кўрсатиш ишларининг яхшилигини кўриб, қувондим. Энди доимий равишда «Панда»га мурожаат қилишни дилимизга тугиб қўйдик.

**Ҳумоюн АЛИЕВ**

*Таълим*

## МАКТАБЛАРГА — ИНФОРМАТИКА ПЛАКАТЛАРИ

**Мамлакатимизда «Ўзбекистон мактабларига — плакатлар» йўналишидаги хайрли ишга қўл урилди. Республикамиздаги барча умумтаълим мактаблари информатика фани хоналарини жиҳозлаш мақсадида чоп этиладиган бу хил плакатлар ахборот-коммуникацион технологиялар бўйича зарур кўрсатмали ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилади.**

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «Самсунг электроникс» халқаро компанияси ташаббуси билан чиқариладиган бу нашр беш туркумда тақдим этилади.

Бу кўрсатмали ўқув қуролининг биринчи туркуми давлатимизнинг ахборот-коммуникацион технологиялари соҳасидаги сиёсатига бағишланади. Уни чоп этиш учун сарфланадиган маблағ Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ажратиладиган бўлди.

Интернет технологиялари ҳамда Интернет тармоғи ҳақида ҳикоя қилувчи плакатлар туркуми эса «Ўзбектелеком» ҳиссадорлик компанияси томонидан молиялаштирилади.

Шунингдек, замонавий дастурлаш воситаларининг асосий кўринишларига доир плакатлар ҳам босиб чиқарилади.

Ахборот-коммуникация технологияларини мувофиқлаштириш Кенгаши лойиҳаси ҳомийлигида нашр этиладиган бу қўлланмаларнинг сифатли ҳамда бой дизайн безакли бўлиб чиқиши эса «Инфо Ком-Уз» журнали таҳририяти томонидан таъминланади.

## ШАНХАЙ УНИВЕРСИТЕТИДАГИ САБОҚЛАР

**Истиқболли ёш педагог ва илмий ходимларни қўллаб-қувватлаш республика «Истеъдод» жамғармаси кўмаги билан кўплаб зиёлилар қатор хорижий мамлакатларда ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар. Жамғарма грантини қўлга киритган навбатдаги вакилларимиз Хитой Халқ Республикасининг Шанхай университетида сабоқ олдилар. Улар орасида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти информатика кафедраси ўқитувчилари ҳам бор эди.**

Шуни таъкидлаш жоизки, информацион технологиялар ва педагогика йўналишлари бўйича амалга оширилган бундай таълимий тадбир Хитойда ўзбекистонликлар учун илк бор уюштирилди. Жамғарма грантига сазовор бўлган 50 нафар киши бир ой давомида Хитой таълим тизимидаги илғор технологик жараёнлар қандай йўлга қўйилганлиги билан ҳам яқиндан танишди. Талабалар учун ўтказилган машғулотлар ҳам вакилларимизда яхши таассурот қолдирди. Маърузалар давомида электрон талқинларни проектор ёрдамида экранларда кўрсатиш тажрибаси ҳам эътиборни ўзига тортди. Аудиторияларнинг компьютер-проектор жиҳозлари билан таъминланганлиги бундай қизиқарли машғулотларни олиб бориш имконини бераётир.

Малака ошириш давомида ахборот технологияларининг таълимдаги аҳамиятига оид давра суҳбатлари ҳам уюштирилди.

Тингловчиларга Шанхай университети халқаро алоқалар коллежининг «Ахборот тизимлари» ва «Компьютер технологиялари» йўналишидаги малака ошириш курслари сертификатлари топширилди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Туманларда*

## МУҲТАШАМ КОШОНА ҚАД РОСТЛАДИ

**Ватан ичра кичик Ватан бўлмиш маҳалла мустақиллик йилларида тобора ривожланиб, гуллаб-яшнамоқда. Юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонлар ҳам маҳалла ҳаёти билан танишишар экан, бундай ноёб, ўзига хос тузилманинг ҳеч қаерда йўқлигини айтиб қойил қолишмоқда, унинг сири билан қизиқишмоқда. Асрлар оша яшаб келаётган маҳалланинг сири эса бизнингча жуда оддий — у халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват ва яхши қўшничилик асосларига қурилганлигидадир. Халқимизнинг яхши удумлари давом этиб, қадр-қиммат улуғланган масканларда дид билан қурилаётган замонавий гузарлар эса улар ҳуснига ҳусн қўшиб, мустақиллик меваси сифатида қад ростламоқда.**

Куни кеча Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласида ҳам мана шундай муҳташам кошона фойдаланишга топширилди. «Гўзаллик оламни қутқаради», деган ибратли нақлни эшитмаган киши топилмаса керак. Ушбу гузарнинг очилиш маросимига келган катта-кичикнинг кўнглидан юқоридаги ҳикмат ўтган бўлса ажаб эмас. Чунки ушбу кошона шунчалар нозик дид, ўткир ақл билан қурилганки тан бермасдан иложингиз йўқ. Икки қаватли тўй ва бошқа маросимлар ўтказиладиган, замонавий безатилган 350-400 ўринли тўйхона, элита пардалари тикиладиган тикувчилик цехи, дорихона, супермаркет, кафе-бардан ташкил топган мажмуа кўзингизни қувнатади.

— Туманимизда шу кунгача 3 та мана шундай шинам гузарлар фойдаланишга топширилди, — дейди Яккасарой туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рўзи Турсуналиев. — Насиб этса яна шунча гузарни битказиб халқимиз учун фойдаланишга топшириш режамиз бор.

— Маҳалламизда 10.000 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Қушбеги» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Мирзатилла Мирзарайимов. — Шу кунгача тўй ва маросимлар ўтказиладиган мана шундай гузаримиз йўқ эди. Унинг бунёд этилиши эса барчани қувонтириб юборди. Аввало шаҳар ва туман ҳокимлиги, қолаверса югуриб-елиб, барча ишга бош-қош бўлган тадбиркор тўрт ака-ука: Фарҳод, Ҳотам, Ҳабибулла ва Ҳамидулла Қосимовларга маҳалла аҳли номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман. «Инсоннинг қўли гул» деган нақл бекорга айтилмаган. Улар яна қанча маҳалладошларни иш билан ҳам таъминладилар.

— Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитларнинг меваси бу, — дейди камтарлик билан Фарҳод Қосимов. — Халқимизнинг яхши кунларига хизмат қилиш, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, инсонларга қўлимиздан келганча яхшилик улашишни ўз бурчимиз деб биламиз. «Савобли юмушга бош қўшган одам ҳеч қачон кам бўлмайди», — дер эдилар раҳматли отам. Мана Оллоҳ насиб этган бўлса Мунаввархон онажонимизнинг тарбияларида эл хизматига камарбаста бўлишга бел боғлаганмиз.

Ака-укалар, Мунаввархон ая, келинлари Дилфузахон билан суҳбатлашиб кўнглимизда ажиб илиқлик билан хайрлашдик, уларнинг катта-катта иш режаларига омадлар тиладик.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**







**СУРАТЛАРДА: «Қушбеги» маҳалласи оқсоқоли Мирзатилла Мирзарайимов(ўнгдан биринчи) ака-ука Қосимовлар билан навбатдаги иш режаси юзасидан маслаҳатлашмоқда;«Қушбеги» гузарининг кўриниши.**

**Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган суратлар.**

*Сиёсий партиялар ҳаётидан*

## ЁШЛАР ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

**Юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ мамлакатимизда ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ақлий салоҳиятини рўёбга чиқариш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу бежизга эмас, албатта. Юртимизнинг келгусида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, инсон бахт-саодати йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ривожи, миллий қадриятларимиз юксалиши, барча-барчаси ўсиб келаётган навқирон авлоднинг илм-заковатига, куч-қудратига, интеллектуал салоҳиятига чамбарчас боғлиқ.**

Бугунги кунда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳам ўз фаолиятида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва эндигина иш бошлаган ишбилармонларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозирда ушбу партия аъзоларининг қарийб 30 фоизини ёшлар ташкил этаётир. Ўтган вақт мобайнида республика миқёсида партия «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан 40 дан ортиқ олий ўқув юртларида, 70 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда, 30 га яқин ёшлар клубларида, маҳаллаларда жамоат ташкилотларида бевосита партия дастурий мақсад-вазифалари тарғиботига бағишланган тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Партия «Ёшлар қаноти» тизимида 40 га яқин ёшлар клублари, «Ҳуқуқий маслаҳатхона»лар фаолият юритмоқда.

Партия Сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси саъй-ҳаракатлари билан ёшларда ишбилармонлик, мулкдорлик ҳиссини шакллантириш, ёшлар орасида тадбиркорлик ҳаракатини кучайтириш мақсадида республика академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси таъсис этилди.

Яқинда ушбу партия ташаббуси билан «Трактор» ўйингоҳида «Ёшлар-буюк келажак бунёдкори» мавзуида ёшлар форуми ўтказилди. Унда турли олий, ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, «Тошкент трактор заводи» ДАЖ ишчи-хизматчилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари — жами 10 минг иштирокчи қатнашди. Форумни ташкил этишдан кўзланган мақсад ёшларда миллий ғурур, Ватанга муҳаббат ҳисларини уйғотиш, уларни Миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, партия ғояларини ёшлар ва кенг аҳоли қатламлари орасида тарғиб ва ташвиқ этиш ҳамда ёшларнинг ақлий салоҳиятини мамлакатни равнақ топтириш сари йўналтиришдан иборатдир.

Форумда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси М. Аҳмеджонов сўзга чиқиб ёшлар ҳар қандай жамиятнинг куч-қудрати, таянчи бўлиб келганли, навқирон авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давр талаби эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирда ёш эстрада юлдузлари ҳам иштирок этишиб, ўзларининг жозибали куй-қўшиқлари билан спорт майдонига тўпланган ёшлар қалбига янада кўтаринкилик бағишлашди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

*Осиё чемпионати*

## РАҚИБЛАР ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛДИ

**Малайзияда ёшлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионати гуруҳ баҳсларининг учинчи тури Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига яна муваффақият келтирди.**

Ўтказилган икки турда икки ғалабага эришиб гуруҳда пешқадам бўлиб олган ҳамюртларимиз учинчи беллашувда суриялик тенгқурларига қарши тўп суришди.

Шуни таъкидлаш жоизки, лаослик ва ҳиндистонлик ёш чарм тўп усталарини мағлуб эта олган Сурия ёшлар терма жамоаси аъзолари фақатгина тўплар нисбатига кўра иккинчи ўринда боришаётганди. Шу боис ҳам учрашувнинг муросасиз ўтиши тахмин қилинганди. Дарҳақиқат, ҳар икки терма жамоа аъзолари ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этишди. Мухлислар эса иккита голнинг гувоҳига айланишди. Қизиқарли кечган баҳс 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди.

Хуллас, гуруҳ баҳсларида биринчи ўринни қўлга киритган мамлакатимиз ёш чарм тўп усталари чорак финалда Жанубий Корея ёшлар терма жамоаси билан ЎТГАН КУНИ куч синашди.

Гуруҳ баҳсларида икки ғалаба ва бир дуранг натижани қайд этиб чорак финалга йўлланмага эга бўлган ҳамюртларимизнинг Жанубий корееликларга қарши тенгма-тенг ва муросасиз кураш олиб бориши тахмин қилинганди. Чунки терма жамоамиз таркибида ҳам жисмоний жиҳатдан, ҳам маҳорат бобида анча кучли ёшлар жамланганди. Бироқ, «майдон текис, тўп юмалоқ» ибораси бу сафар яна ўз исботини топди. Майдонда рақибларига қарши муросасиз курашганларига қарамай омад ёшларимиздан юз ўгирди. Жанубий корееликларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан ушбу ўйинга тайёр эканликлари, ўзбекистонликлардан устунлик қилаётганлари сезилиб қолди. Тезкор, комбинацион ва ҳужумкор руҳда кечган учрашув 2:1 ҳисобида Жанубий Корея ёшлар терма жамоасининг ғалабаси билан якунланди. Футболчиларимиздан рақиб дарвозасига тўпни Нодир Қўзибоев 80-дақиқада киритди. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳамюртларимизнинг минтақа биринчилигидаги иштироки мутахассислару мухлисларда илиқ таассурот қолдирди.

Ўйлаймизки, келгуси халқаро турнирларга ёшлар терма жамоаси янада пухта тайёргарлик кўриб мухлисларни кўнглини шод этади.

**Анвар ВАЛИЕВ**





*Кўргазмалар*

## ХИВА ҚЎҒИРЧОҚЛАРИ

**Хабар берганимиздек, яқинда Ўзбекистон амалий санъат музейида хоразмлик режиссёр, актёр, қўғирчоқсоз уста Мансурбек Курёзовнинг «Хива қўғирчоқлари» кўргазмаси очилди.**

Қадим Буюк Ипак йўлида жойлашган Хива асрлар оша савдо-сотиқ, маданият ва ҳунармандчилик маркази бўлиб келган.

Тарихий удумлар, маърифий анъаналарни давом эттириб келаётган хоразмлик ижодкорлардан бири Мансурбек Курёзов ва унинг рафиқаси Гулзодахон Қурёзованинг моҳир қўллари билан яратилган ноёб қўғирчоқлар, миллий этнографиямизга мансуб либослар кўргазмага ташриф буюрувчиларни ҳайратга солмоқда.

Папье-маше, ёғоч, қоғоз, лой, мато, қамишдан бунёд бўлган шакл-сиймолар хоразмликларнинг турмуш фалсафаси, ҳазил-мутойибаси билан суғорилган.

Кўргазмага қўйилган қўғирчоқлар, санъатшунос, томошабинларда ва чет эллик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Раҳматхон АКМАЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар**

**Муаллиф олган суратлар**

*Футбол*

## «ПАХТАКОР» — БИЛЛУР СОВРИН СОҲИБИ

**Ўзбекистон Кубогининг «Пахтакор» — «Трактор» жамоалари ўртасидаги финал учрашуви ишқибозлар учун ҳаяжонли дақиқаларни ҳадя этди.**

Аввало, кўпчилик мутахассислару мухлислар Биллур совринни «Пахтакор» жамоаси осонликча қўлга киритади, деб тахмин қилишганди. Сабаби, пахтакорчилар шу кунгача 6 марта Ўзбекистон Кубоги финалида қатнашган бўлишса, 5 марта Кубокни қўлга киритишган, ҳозирда ҳам мамлакатимизнинг етакчи жамоаси сифатида миллий биринчилик баҳсларида пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти. Аммо, «Трактор» ҳам доимо рақиблари учун «ноқулай» жамоа ҳисобланади. Мисол учун 1996 йилги Ўзбекистон чемпионатида 6-ўринни эгаллаган «Трактор» ҳам ўз майдонида, ҳам меҳмонда «Пахтакор»ни бир хил 2:1 ҳисобида доғда қолдира олган.

Учрашув ҳам бошланди. Тан олиш керакки, пахтакорчилар ҳар бир чизиқда фаол ҳаракат қилишиб рақибларидан устун эканликларини исботлашди. Буни 10-дақиқада Шишелов томонидан киритилган гол ҳам исботлаб турибди. Биринчи бўлим якунлангунга қадар 24, 45-дақиқаларда Копадзе ва Солиевлар томонидан «Трактор» дарвозаси яна икки марта ишғол қилинди.

Аммо, иккинчи бўлимда бутунлай бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдик. Хотиржамликка берилган пахтакорчилар 3:0 ҳисобини сақлаб қолишга интилишди. Натижада «Трактор» футболчилари ўйин тизгинини ўз қўлларига олишди, «Пахтакор» дарвозаси томон хавфли ҳужумлар уюштирилди. Бу ўз самарасини бериб, аввалига 50-дақиқада Нўъмон Ҳасанов, 59-дақиқада Тимур Айзатулов Нестеров дарвозасига аниқ тўп йўллашнинг уддасидан чиқишди. Бироқ, учрашув охирига қадар ушбу ҳисоб ўзгармай қолди ва «Пахтакор» Биллур соврин соҳиби бўлди.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

## ТОШКЕНТДА “ИНДОНЕЗИЯ ОҚШОМИ”

**Тошкентда Индонезия Республикаси Мустақиллик куни ва ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон пойтахтидаги элчихонаси очилганининг 10 йиллиги ўзига хос тарзда нишонланди. Ўтган шанба куни “Интерконтиненталь” меҳмонхонасининг “Амир Темур” залида ташкил этилган байрам дастури “Индонезия оқшоми” деб аталди.**

Унда Жакартадан махсус ташриф буюрган рақс дастаси кеча иштирокчилари эътиборига рангбаранг бадиий дастур тақдим этди. Пойтахтимиздаги “Офарин” рақс театри ижросидаги Индонезия миллий рақси ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Халқ ҳунармандлари махсулотлари кўргазмаси ва миллий таомлар намойиши ҳам кеча файзига файз қўшди.

Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчиси Ҳошим Салоҳ ва Ўзбекистон маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров кечага ташриф буюрган меҳмонлар, жумладан, индонезиялик ва ўзбекистонлик санъаткорларга байрам оқшомидаги иштироки учун самимий миннатдорлик билдирди.

**“Жаҳон” АА**

*Фавқулодда вазиятлар бошқармасида*

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ — АМАЛИЁТ ТАЯНЧИ

**Шу йилнинг сентябрь ойида Тошкентда «IWER — 2004» фавқулодда вазиятларни аниқлаш бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Америка, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон давлатларидан 126 нафар мутахассис вакиллар ва оммавий ахборот хизмати ходимлари қатнашдилар.**

Халқаро конференцияда «Тошкент — Жанубий» темир йўл маскани ҳудудида авария содир бўлганда, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ҳавога тарқалганда, темир йўл раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатларини такомиллаштириш ва махсус — тактик машғулотни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу машғулотда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Тошкент — йўловчи» темир йўл масканидаги Ички ишлар бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва Тошкент шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари, «Темир йўл» Фуқаро муҳофазаси хизматлари иштирок этдилар.

Махсус тактик машғулотда «Тошкент — Жанубий» темир йўл бўйлаб ҳаракатланаётган юк поездининг инсонлар ҳаёти учун хавфли бўлган заҳарли модда билан тўлдирилган цистернаси ўз йўналишидан чиқиб кетиши оқибатида заҳарли модда ҳавога тарқала бошлади. Темир йўл раҳбарияти томонидан махсус қутқарув гуруҳлари ёрдамга чақирилди ва етиб келган қутқарувчилар томонидан заҳарли модданинг шамол йўналиши бўйлаб тарқалаётган ҳудудлари қуршаб олинди.

Заҳарланиш натижасида хушидан кетган ҳамда жароҳат олганлар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари томонидан дарҳол белгиланган хавфсиз жойларга олиб чиқилиб, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилди. Заҳарли модданинг ҳавога тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида махсус сув пуркагич поезди ва автоуловлар ёрдамида мунтазам равишда сув пуркалиб турилди. Машғулот давомида барча қутқарув гуруҳлари ўз бурчларини сидқидилдан бажариб, юзага келган «хавф» бартараф қилинди.

«IWER — 2004» халқаро конференцияси вакили АҚШ қуролли кучлари марказий қўмондонлиги контр — адмирали Ж.Жексон машғулотни яқиндан кузатиб борди ва маҳоратларини кўрсатган ҳолда тезкор ҳаракат қилган қатнашчиларга ушбу машғулот юқори савияда ўтганлигини ва унга катта баҳо берганлигини айтиб, келгуси ишларига омад тилади.

**Камолиддин МУРОДОВ,**
**Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Матбуот хизмати етакчи мутахассиси**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009. 1 2 3 4 5